



Қашқадарё вилояти:

МУСТАҚИЛЛИК ИУЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ



Вилоядта халик бадиий ҳаваскорлиги равнақ топмоқда. Тури изходий дасталарга бирлашган халик талантлари милий мусиқа, қўшиқ ва ракс санъатининг унитилиб кетиплаётган жаҳохирларига қайтадан ҳёт багишлаб, унарни за орасидо оммалаштиришмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Қарши шахар «Насаф» жамоа ҳўжаслигининг «Момогул» фольклор-этнографик дастаси қатнашилари қўшиқ ишро этмоқда; даста азоси Гулсум Аминова милий халик рақсларининг мөхир ижрочисидар.

Т. КАРИМОВ олган суратлар.



• БИЗ БИЛМАГАН ТАРИХ

«Кубатул-Хизро» - Шахрисабзда улуг сиймолар, кўплаб тарихий шахслар яшаб улгайган. Жумладан, шеърият мулкининг сultonи Низомиддин Алишер Навоий ҳам бир канча муддат шу шахарда тўхтаб ўтган, унинг яшилликларга бурканган оғушидан хайратта тушган, дилкушо боғларидан баҳра олиб, завк-шавқка тўлган.

Шунни ҳам таъкидлаш лозимки, ёш Алишер ўзининг достонларидан бирда ота-боболари Темурйлар суподасидан эканлигини байён этиди. Шахрисабзга атаб қасидалар битиди. Хусусан, «Сабъа сайдёр» достонида шундай латиф байтларни Шахрисабз тарихига багишлайди:

Ледиляр: «Кишини дурур дилкаши, Оти ҳам Шахрисабз эрур, ҳам Каши. Ҳизир монанд сабзадин ранги, Сабзас сүйн кўзуси ранси.

Шахрисабз ўлди таҳтаги анинг, Ер уза сабзадек синоҳи аниг.

Анга ҳар бир паривашдур, Ки пари ҳуснини мушавашадур. Қилаи олмай, пари язида ситеz, Ҳури эксаннат анга камина камиз.

1466 йилининг ўғталаридан Ҳурсон ҳукмдоригини ўз илкига олган Сulton Абдусалом. Мирзо Алишер Навоийни ҳузурига чорлади. Ҳукмдор қарорхонда негадир уни Сulton Абдусаломининг ўзини эмас, унинг музозимларидан бирни қабул қиласди. Мулоғим подшоҳ ҳэрзатларининг фармойишига кўра, шоирни «таҳсол олмоқ» учун Самарқандга жўнаши лозимлигини билдиради. У бутун тундаёй ўйла чиқидиган карвон билан Самарқанд сафарига бориши маълум қилинади. Навоий ўз тарафдорларининг ўрнини муҳолифат тарафдорлари эгаллагача,

нинг руҳи покларига Куръон сураларидан дуои фотига ўқиди.

Алишер Навоий Шахрисабзда бир неча кун бўлди, шоиру илм аҳиллари билан учрашиди. Улугбек Мирзо томонидан барпо этилган жаннатмакон боғларни томоша қиласди. Узоқ масофани от-увовда босиб утганлиги сабабли, ийл ҷарчокларидан утгарни булоғи, бобо юртида тиникиб дам олади.

Амир Темур тарихини тенгиси маҳорат билан битган олим Шарафуддин Али Язий ўзининг «Зафарнома» асаиди Кеш-Шахрисабз тўғрисида ҳам мароқ билан хикоя қиласди. Унинг қайнатишича, Кеш шахри буюк уламолар йигиладиган жой болганди.

Матъумки, Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ота-боболари асли кешлар эди. Ҳисор Дехлевий, Мирзо Голиб каби мутафаккёр шоирларининг эоти-зурриётлари ҳам

бахра олиб, завк-шавқка тўлган.

Хиромий шу ерда ижод этган.

Қадимда Кеш шахрини «Куббак ал-иль» ва ал-адаб «Илму одоб куббаси» деб атаганлар. Бу ерда шоирлар, илм аҳиллари, дин пешвололари турли фаннлардан сабоқ берганлар, ахлоқ-одоб қоидалари пухта ишлаб чиқилган, мадрасаларда дарс сифатида ўтилган.

Айтишларга, Алишер Навоий Кешда бўлганда шахар четидаги боғларнинг биринча маҳус чодир тикириб, ўзининг «Сабъа сайдёр» достонини яратган экан. Достондаги етти хикоянинг учинчиини ҳассос шоир бобо юрти -- Шахрисабза багишлайди.

Хуросонда ҳокимиёт теласида темурий-зодалардан Ҳусайн Бойқаронинг келиши ёш шоирнинг Ҳиротта қайтишини тезлади. Ҳусайн Бойқаро ўзининг қўқалдан, мактабадов дўстига, эн яқин маслаҳаттўйига ҳар қадамда этиёб сезаётган эди.

Самарқанддан Ҳиротта қайтатуриб, Алишер Навоий Кешда келиши билан дастлаб Ҳазрат Шайх масжидидан намоз ўқиди. Амир Темурнинг устози Шамсулдин Кулол Кубарро ва Муҳаммад Тарғай Баходир мақбрасини зиёдат қиласди. Соҳибқронинг волиди мұхтарамалари Тегина бегим, Амир Темурнинг ўғиллари Жаҳонтир Мирзо, Умаршай Мирзо мақбара парини, бошқа темурйлар, сайдарларнинг даҳмаларини бориб кўради. Улар-

Лутфулло ИБОДУЛЛАЕВ.

БОКС

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли санъат саройида Ватанимиз мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан профессионал бокс бўйича тарихда биринчи бор ҳалкаро мусобака ўтказилиди.

ЙИГИТЛАРИМIZ БЎШ КЕЛИППАДИ

Унда Россия, Белорус, Қозғистон ва Ўзбекистон боксчилари мардона кураш олиб бордилар. Рингта дастлаб ҳамортизимиз Мирзоҳид Жонбоев билан Белорус вакили Андрей Гурнеевич чакрилди. Мирзоҳид шу кунга қадар фракат ҳаваскорлар ўтасидаги мусобака қатнашиб, 105 учрашувнинг 90 тасида голиб чиқкан. Рақиби Андрей Тищенко эса бор-йиғ 1 25 бор рингта чиқиб, шундан 15 жанги ўз фойдасига ҳал қўлган. Бу учрашувда Мирзоҳид Жонбоевнинг кўли баланд келди. У Белорус вакилини техник нокаутга уратти.

Рингнинг кўк бурчигида 76 килограмм вазни ҳамортизим Рихсибай Шомирзаев, кизил бурчигда эса Россиянинг 17 ёшли спортичси Александр Тищенко. Рихсибай 24 ёшида, ҳаваскорлар мусобакасида 100 бор рингта чиқиб, 86 марта голиб булган. Профессионал ўтасида эса бор-йиғ 1 та жанг ўтказган. Унинг рақиби Александр Тищенко ҳаваскорлар рингидаги 64 жангининг 40 тасини голиб билан якунлатан. Иккичи учрашув ҳам ҳамортизимнинг кетма-кет зарбалари билан бошланди. Орадан 3 дакиқа утар-ўтмас Рихсибай Шомирзаев рақибини осонлий билан қизил бурачка қатлади.


Рингта яна бир вакилимиз Фарҳод Арслонов билан қозғистонлик Пол Тузендә кўпарили. Фарҳоднинг рақибини кўрган мухлислар Бир-бирни сезидирмасдан ич-ицидан зил кетдилар. Негаки, Пол Тузенданинг коп-кора чўйнадиган ранг-баранг чироқлар нурда ялтираб, қўл-оёқ, ва кўкрак мускуллари баҳодирона бўртиб-бўртиб туради...

Пол Тузендә асли Унданда мамлакатидан. Ҳозирча Алмати университетининг астрономия факультетида таҳсил олмоқда. 27 ёшида. Проф-бокснинг 11 учрашувда қатнашиб, 9 бор рақибларни ютади. Фарҳоднинг кўрсаткичлари ҳам ёмон эмас. У 1983 йилдан бўён босиб билан шугулланиб келади. Ҳаваскорлар ўтасида 155 учрашув ўтказган. Профессионал рингда 9 учрашув ўтказиб, ҳаммасида гала қозонган. 26 ёшида.

Фарҳод Арслонов -- Пол Тузендә бахси профессионал бокс қоидаги кўра, 8 раунд давом этиши керак эди ва шундай бўлди. Ҳар иккала боқсчи ҳам нафбатма-навбат бир-бираға кучли зарбалар бериди турди. Охирги 7-8-раундда келганди, Фарҳоднинг кўли баланд эканлиги яққол сезилиб қолди. Рақибининг ҳолдан тойтанинидаги усталик билан фойдаланиб, очиколар ийга бошлади ва 3:0 хисоби билан соғ галафоданиб эришиди.

Шундай қилиб, профессионал рингта ёндиғина кириб келаётган Мирзоҳид Жонбоев, Рихсибай, Фарҳод Арслоновлар Осиё проф-бокс қатнашчилари рейтингнинг юқори погоналарига кўтарилилар.

Нормурод МУСОМОВ,
«Халқ сўзи» мұхабири.



ЎЗБЕКИСТОН - КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Тилимизда шундай тотли каломлар бўладики, уларни минг бора тақрорлаган билан эскирмайди, аксинча, ҳамиша гўзал оҳангларда жаранглаб, кўнгилларда ажисб акс-садо беради. Бундай сўзларнинг мазмун-моҳияти ҳам уммон қадар теран ва қамровлидир. Истиқлол -ана шундай ҳузурбахш сўзлар сирасига киради. Зотан, биргина мана шу калом замирида инсониятнинг ҳурлик, эркинлик, фаровонлик ва келажакка ишонч сингари энг эзгу гоялари мужассамдир.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 6 йиллик байрами учун нақадар қадри! Истиқлолга эришилгандан буён орадан ўтган нисбатан қисқа муддат ичидаги юртимизда содир бўлган буюк ўзгаришлар, амалга оширилган улкан ислоҳотлар танти ўзбек халқини жаҳонга танитди. Бугун Ўзбекистон номи бутун дунёда мағрур жаранглайти. Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлиши ҳақидаги эзгу башорат амалда рўёбга чиқа бошлаганлиги ҳар биримизнинг қалбларимизни чексиз фахр-иiftihorга тўлдиради.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини мамлакат Мустақиллигининг 6 йиллик айёми муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз. Юрт истиқлонини янада мустаҳкамлаш ва яратувчанлик меҳнатларида уларга янги-янги зафарлар тилаймиз.

ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

“ЎТ-БАНК” -
Ўзбекистон - Туркия банки жамоаси.

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Маълиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

БўЛIMЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатмал 33-07-48;
Хўкук ва қонунчилик 36-
37-85;
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Банк манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
3-мавзе, 74-йи.

Телефонлар: 77-59-67, 77-45-19.
Факс: /3712/ 77-34-08, 40-63-62.
Телекс: 116623 UTB RU.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0522, 34-845 нусхада босилди,
ҳамми — 2 табоб. Офсет усулida босилган.
Қозғ бичими A-2

Газета IBM компьютерида терили
ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва
Иван РЕПАНОВ томонидан саҳифланиди.

«Шарқ» нашриёт-матбая концерни. Корхона манзили: «Буок Турон» кўчаси,
41. Босинга топшириш вақти — 21.00. Босинга топширилди — 22.15
1 2 3 4 5 6

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-йи.

Навбатчи муҳаррир — Т. Абдураҳмонов.
Навбатчи — Х. Абдураҳмонов.
Мусахҳиб — Ж. Тоғаев.